



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕХҲТ ДИИХБ МИССИЯСИ РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХҲТ ДИИХБ) миссияси раҳбари Альберт Йонссон билан 20 апрель куни бўлиб ўтган учрашувида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар киритиш бўйича референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатлар раҳбари ЕХҲТ билан сермахсул алоқалар, очик ва конструктив мулоқот йўлга қўйилганини мамнуният билан қайд этди. Утган йилда Ўзбекистонга ЕХҲТ раиси, Польша ташки ишлар вазири Збигнев Рау, ташкилот бош котиби Хельга Шмид, Миллий озчиликлар масалалари бўйича Олий комиссар Қайрат Абдурахмонов ташриф буюрганини таъкидлаш жоиз. Бюро экспертлари мамлакатимиз миллий сайлов тизimini модернизация қилишда, шу жумладан, Сайлов кодексини ишлаб чиқишда иштирок этган. ДИИХБнинг 2016, 2019 ва 2021 йилларда

Ўзбекистонда бўлиб ўтган умумхалқ сайловларидаги кенг қўламли миссиялари якунида берилган тавсиялар ҳисобга олинган ва жорий қилинган. Учрашув давомида референдумни юксак ҳалқаро стандартларга мувофиқ ташкил этишининг турли жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди. Миссия раҳбари Альберт Йонссон мамлакатимизнинг янгиланган Конституциясида ўз аксини топган Янги Ўзбекистондаги демократик янгиланишларни янада чуқурлаштириш жараёнларини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, юртдошларимизнинг виждон эркинлиги борасидаги ҳуқуқларини таъминлаш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларимиз туфайли яратилган қўлай имкониятлардан самарали фойдаланиб, халқимиз муборак Рамазон ойини тинчлик-хотиржамлик ва шукроналик билан ўтказмоқда. Айниқса, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар ва нурунийлар жамоатчилиги, диний уламоларимиз томонидан жойларда қўллаб маънавий-маърифий ишлар амалга оширилаётгани, саховат ва меҳр-муруват тадбирлари доирасида кам таъминланган, ёлғиз ва ногиронлиги бўлган инсонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга амалий ёрдамлар кўрсатилаётгани Рамазон ойининг аҳамияти ва файзу тароватини янада оширмоқда. Ана шундай хайрли ишларнинг давоми сифатида улуғ айём – Рамазон Ҳайитини муносиб кутиб олиш ва юксак савияда ўтказиш, унинг моҳиятида мужассам бўлган меҳр-оқибат, саховат, олижаноблик ва бағрикенглик фазилатларини асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш, эл-юртимизнинг эзгу ният ва орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Жорий йилда Рамазон Ҳайитининг биринчи куни 21 апрель – жума кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши томонидан қабул қилинган қарорни инобатга олиб, мамлакатимизда 2023 йил 21 апрель куни Рамазон Ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.
2. Аҳолининг Рамазон Ҳайити байрамини муносиб кутиб олиши ва юксак савияда ўтказиши учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида 2023 йил 24 апрель (душанба) куни иш ҳафтасининг туридан қатъи назар барча ходимлар учун қўшимча дам олиш куни сифатида белгилансин.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмида ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Рамазон Ҳайити халқимизнинг миллий аънава ва қадриятларига мос равишда ўтказиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.
4. Маданият ва туризм вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун муборак Рамазон Ҳайити кунларида мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадимжоларга зиёратларини ташкил этиш мақсадида қўлай шароит ва имкониятлар яратсин.
5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон Ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.
6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М. М. Камиллов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2023 йил 20 апрель

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Муборак Рамазон Ҳайитини нишонлаш арафасида халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида" ги Фармонни имзолади. Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 541 нафар шахс афв этилди. Афв этилган шахсларнинг 374 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 110 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 18 нафарининг озодлиқдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 39 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартрилди. Афв этилганларнинг 36 нафарини чет эл фуқаролари, 136 нафарини аёл, 75 нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар ҳамда 6 нафарини таққиланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади. Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадри ватандошлар! Дунёдаги жамийки ислом уммати қатори юртимиз мўмин-мусулмонлари ҳам катта шоду хуррамлик билан кутиб олаётган улуғ айём – Рамазон Ҳайити билан сиз, азизларимиз, бутун халқимизни чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзининг юксак ҳурматини ва самимий тилақларини билдиришдан гоёт мамнунман. Қалбларимиз қувонч ва эзгулик нурига тўлиб турган ушбу саодатли дамларда аввало мана шундай қутлуғ ва мунаввар кунларга эл-юртимиз билан биргаликда соғ-омон етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтмамиз.

Халқимиз азалдан инсонпарварлик, меҳр-оқибат, хайру саховат ва бағрикенглик рамзи сифатида қадрлаб, эъзозлаб келадиган Рамазон шариғига бу йил ҳам пухта тайёргарлик кўрилиб, уни муносиб ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу эса мўмин-мусулмонларимиз учун барча диний ибодатларини фойдали ва мазмунли ўтказиб, ушбу муборак ойнинг шафват ва фазилатларидан тўла баҳраманд бўлиш имконини берди. Айниқса, минглаб юртдошларимиз икки муқаддас шаҳар – Макка мударра ва Мадина мунавварага бориб, айнан Рамазон кунларида Ура амалларини адо этиш бахтига мушарраф бўлганлари эътиборлидир.

Мухтарам дўстлар! Биз жонажон Ватанимизда тинчлик ва осойишталик, аҳиллик ва ҳамжихатликни сақлаш, халқимиз Ҳайитини янада эркин, обод ва фаровон этишни мақсад қилган эканмиз, ўтган давр мобайнида эришган барча ютуқларимиз, жумладан, виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш борасидаги ижобий ўзгаришларни ҳар томонлама мустаҳкамлаб боришимиз кераклигини, буни ҳозирги ва келгуси тараққиётимиз тақозо этаётганини ҳаммамиз яхши англаймиз, албатта.

Энг муҳими, бундай кенг қўламли ишларимиз Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси сингари муаззам обидалар курилиши мисолларида жадал давом эттирилмоқда. Мўмин-мусулмонларимизга ибодат амалларини экин-эркин адо этишлари учун янада қўлай шароитлар яратилмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, умра зиёрати бўйича квота бекор қилингани, ҳаж зиёратига борувчилар сони 3 баробар оширилганини қайд этиш зарур. Хусусан, биргина жорий йилнинг ўтган даврида 31 миң нафардан ортиқ ватандошларимиз Макка ва Мадинада муқаддас ибодатларни бажариб, эл-юртимиз ҳақиқига эзгу дуолар қилиб қайтганларини таъкидлаш ўринли. Айни вақтда юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан табарруқ қадимжолар обод қилиниб, эҳтиёжманд кишилар, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаётгани ҳам Рамазон ойининг аҳамияти ва файзу шукруни оширишга хизмат қилмоқда.

Буларининг барчаси мамлакатимизда виждон эркинлигини таъминлаш, диний-маънавий қадриятларни тиклаш ва эъзозлаш йўлида олиб борилаётган саяё-ҳаракатларнинг амалий ифодаси бўлиб, биз бундай савобли ишларни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган, инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳаётий манфаатларини таъминлашга қаратилган ислохотларимизнинг янада самарали ва бардавом бўлиши учун жон куйдириб, ўз тақдирини ва келажигига чўқур масъулият ҳамда дахлдорлик туйғуси билан яшаб, фидокорона меҳнат қилаётган барча юртдошларимизга, кўп миллатли бутун халқимизга чин дилдан миннатдорлик билдираман. Азиз ва қадри ватандошлар! Ушбу шуқуҳли лаҳзаларда дунё мўмин-мусулмонларини, дўст ва ҳамкорларимизни Рамазон байрами билан самимий қутлаб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик-барқарорлик, раванқ ва фаровонлик тилаймиз. Ойла даврасида, маҳаллаларда муборак Ийд-алфитр айёмини хурсандчилик билан кутиб олаётган сиз, мухтарам юртдошларимиз яна бир бор табрик-лаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман. Нияти пок, мақсадлари улуғ халқимизнинг эзгу орзу-интилишлари рўёбга чиқсин! Рамазон Ҳайити барчангизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

“BUKHARA CITY” – ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИК НАМУНАСИ



Жаҳонгир ФОЗИЛОВ, Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси матбуот котиби.

Бухоро шаҳрининг янги маркази қурилишига дахлдор саяё-ҳаракат бошланганига уч йил тўлди. Нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёда ўзининг тақрорланмас андозасига эга бўлиши кутилаётган ушбу лойиҳа бўйича Президентимизнинг 2019 йил Бухоро вилоятига ташрифи давомида берган топшириғига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг ўша йили 8 июлда “Бухоро шаҳрида “Bukhara City” замонавий ишбилармонлик ва гураб жойлар марказини барпо қилишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори қабул қилинган.

Бинолари, 3,4 гектардан иборат 4 та лотда халқ таълими муассасалари, 0,8 гектарда спорт комплекси, тиббиёт клиникиси ва бошқа турдаги ижтимоий объектлар (музей, илмий марказ, кутубхона, ёшлар маркази) ўрин олмоқда.

Лойиҳага мувофиқ, Бухоро шаҳар марказида илк бор 1,1 гектар майдонда 32 қаватли бино, 1 гектарда инновацион марказ ҳамда 1,1 гектарда IT-парк қурилиши бошланган. Шунингдек 5,3 гектар ерда 2 миңдан ортиқ иш ўрни яратилиши кутилаётган муҳташам савдо комплекси, ҳар бири 150 ўринга мўлжалланган замонавий меҳмонхоналар, 80 ўринли мактабгача таълим муассасаси ва кафе бинолари учун ер майдонлари ажратилган. Ҳозирда АҚШ, турк, рус, корейс инвесторлари билан бир қаторда ўттиздан ортиқ маҳаллий тадбиркорлик субъектлари ҳам ҳудудда ўз лойиҳасини амалга оширмоқда.

Ушбу қарорга кўра, Бухоро шаҳрининг Ҳофиз Таниш Бухорий, Зулфия, Қасим Муртазов, Иброҳим Мўминов ва Саннатчилар кўчаларига туташ ҳудудларда самарасиз фойдаланилаётган объектлар, бино ва иншоотлар ўрнида жами 83 гектар майдонда саксонга яқин лотдан иборат яхлит лойиҳа ишлаб чиқилган.

“Bukhara City” концепциясига мувофиқ, умумий лойиҳа қиймати 550 миллион АҚШ долларини ташкил этаётган ҳудудда 24,8 гектарда 45 та лотдан иборат гураб жой (биринчи ва иккинчи қаватларида тижорат объектлари) биноси, 1,8 гектардан иборат 4 та лотда замонавий меҳмонхоналар, 3,9 гектар майдонда банк ва офис

Бир сўз билан айтганда, шу кеча-кундузда “Bukhara City” лойиҳаси ўрин олган ҳудудда кенг камровли қурилиш-бунёдкорлик ишлари жадал суръатда давом этмоқда. Яқин йилларда вилоятнинг қурилиши ҳамда иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга йирик ва яхлит панорама – смирташар сифатида намоён бўлади.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

Соҳа ходимлари куни кенг нишонланди



18 апрель – Ўзбекистон Республикаси коммунал соҳа ходимлари кунига бағишланган тантанали байрам тадбири Ўзбекистон миллий академик драма театрида бўлиб ўтди. Тадбирни Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидояттов табрик сўзи билан очиб, соҳа вакиллари касб байрами билан самимий қутлади.

Бугунги кунда халқимизнинг турмуш даражасини ошириш, аҳолининг кундалик эhtiёжларини қондириш, уларга қулай яшаш шароити яратишдек маъсулиятли соҳа фидойиларининг заҳматли меҳнатлари муносиб эътироф этилмоқда. Шу боис, байрам тадбирида соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган вазирлик ва унинг тизим ташкилотларидаги 142 нафар ходим “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочилиги” кўкрак нишони билан тақдирланди.



Ёшлар билан суҳбат

Ёшлар ўзининг ташаббускорлиги, софдиллиги, адолатга интилиши билан тараққиётнинг катта кучларидан ҳисобланади.



Бугунги глобаллашув замонида ёш авлоднинг зарарли ғоялардан асраш, уларни тўғри йўлга йўналтириш долзарб масалалардан биридир. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидояттов алоҳида эътибор талаб этувчи ёшларнинг ижтимоий ҳолати ва қизиқишларини ўрганиш мақсадида Тошкент вилоятининг Қўрай туманида бўлди.

Вазир ўринбосари бир неча ёшлар билан суҳбат қуриб, уларнинг келгусидаги мақсад ва режалари, муаммолари билан қизикди. Ёшларга ҳаётини тўғри йўлга қўйиш ҳамда жамиятда муносиб ўринга эга бўлишлари учун зарур тавсиялар берди. Шунингдек, ногиронлиги бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар ҳолидан хабар олди. Барча қайд этилган масалалар ечими масъуллар билан муҳокама қилинди.

Маълумот учун, “Маҳалладан вазирликка” тизими орқали Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги раҳбарияти ҳамда вазирликнинг ҳудудий бошқарма ва бўлими бошлиқларига 2 000 нафарга ақин ёшлар бириктирилган. Масъулларга ёшларнинг бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ҳаётда ўз ўрнини топишига ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларини хал қилишига кўмаклашиш вазифаси юклатилган.

Ерларнинг электрон харитаси яратилди

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

2023 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, UzKAD тизими орқали республиканинг умумий 44,9 млн гектар ер майдонидан 43,2 млн гектари ёки 96 фонзининг электрон харитаси яратилиб, 40,3 млн гектари давлат рўйхатидан ўтказилди. Хусусан, 24,8 млн гектар қишлоқ хўжалиги ерлари, 11,8 млн гектар ўрмон фонди ерлари, 3,1 млн гектар табиати муҳофаза қилиш ерлари, 1,8 млн гектар давлат захира ерлари, 687 минг гектар сув фонди ерлари ва 53 минг гектар саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа ерлар эгаллаган ерларнинг электрон харитаси яратилди.



Бу ҳақда АОҚада бўлиб ўтган 2023 йил биринчи чорагида кадастр тизимида амалга оширилган ишлар тахлилига бағишланган брифингда батафсил маълумот берилди.

Шунингдек, брифингда таъкидланишича, 2023 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, кадастр базасида ҳисобга олинган кўчмас мулк объектлари сони 8,2 млн.тадан ошган. Геодезия ва картография йўналишида 15 та геодезия пунктларида текширув ишлари амалга оширилиб, 46 та геодезия ўлчулар бажарилган. 21,7 минг квадрат метр майдонда аэрофотосуратга олиш ишлари бажарилиб, 12 минг квадрат метр майдоннинг ортофотопланлари ва 28,1 минг квадрат метр майдоннинг очиқ турдаги хариталари яратилган.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ер участкаларини аукцион савдоларига чиқарилиши йўлга қўйилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 71-сонли қарорига асосан, тадбиркорлик фаолияти учун кадастр идоралари томонидан 1 028,3 гектар майдондаги 10 441 та ер участкалари “Yerelektron” тизимига киритилган.

Жорий йилда аҳолига хизмат кўрсатиш йўналишида ҳам тизимли ишлар амалга оширилган. Хусусан, 1 чорак давомида Кадастр агентлиги ҳамда Давлат кадастрлари палатаси томонидан фуқаро ҳамда тадбиркорларга кўрсатилган 10 та давлат хизматлари бўйича ДХМ, my.gov.uz, нотариал идоралар орқали келиб тушган жами 271 мингдан ортиқ аризалар кўриб чиқилган. Жумладан, фуқароларнинг номида шахсий уй-жойи борлиги ёки йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома олиш учун 23 964 та, кадастр (ер-хатлов) паспортини шакллантириш хизматидан фойдаланиш мақсадида республика бўйича 74 755 та ариза келиб тушган ва ўрганиб чиқилган. Бундан ташқари, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ипотека ҳамда бинолар ва иншоотларга бўлган ашёвий ҳуқуқлар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, кўчмас мулк объектларига манзиллар бериш, уларни ўзгартириш ва мавжудлигини бекор қилишга доир аризалар ҳам кўриб чиқилган.

Шунингдек, брифингда 40 703 та янги кўчмас мулк объектлари ҳисобга олинди, 685 та кўчмас мулкда қўшимча қурилмалар қилингани маълум қилинди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ер участкаларини аукцион савдоларига чиқарилиши йўлга қўйилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 71-сонли қарорига асосан, тадбиркорлик фаолияти учун кадастр идоралари томонидан 1 028,3 гектар майдондаги 10 441 та ер участкалари “Yerelektron” тизимига киритилган.

АНОМАЛ СОВУҚ ОРТДА ҚОЛДИ, АММО ҚИШГАЧА ГАП КЎП ЭМАС

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Жорий йилнинг қишида ёққан қалин қор ва унинг ортидан қузатилган аномал совуқ аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича мутасадди корхоналар қишга қай даражада тайёрларлик кўрган, соҳада тўпланиб қолган камчилик ва муаммоларни яққол кўрсатиб қўйди. Йўл қўйилган хато ва камчиликлар қайта тақдорланмаслиги учун ҳозирдан аҳоли яшаш пунктлари, хонадонлар, кўп қаватли турар жойлар, корхона ва ташкилотлар, соғлиқни сақлаш тизими, мактаблар, мактабгача таълим муассасаларини куз-қиш мавсумига пухта тайёрлаш мақсадида жойларда тадорик ишлари бошлаб юборилди.

Хусусан, “Худудгаз Навоий” газ таъминоти филиали ҳамда унинг туман ва шаҳарлардаги газ таъминоти идораларининг жамоалари 2023-2024 йил куз-қиш мавсумига газ қувурлари ва тақсимлаш пунктларини мукамал таъмирлаш, уларни реконструкция қилиш каби ишларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан ҳар бир истеъмолчи уй ичи газ жиҳозларини техник ва профилактика кўригини ташкил этишга эътиборли бўлиши ҳамда унинг мажбурийлиги кўрсатиб ўтилган.

Ана шу ҳужжат бўйича белгиланган режага кўра, бу йилги куз-қиш мавсумида вилоят ҳудудларидаги 6 та асосий газ тақсимлаш пунктини мукамал таъмирлаш назарда тутилган. Жумладан, 72,6 километрга қувурларни босим остида зичликка синаш ва ҳаво ёрдамида уларни тўлиқ тозалаш тадбирлари, булардан ташқари, 1 619 та газ тақсимлаш пунктлари ҳолатини назоратдан ўтказилиши белгиланган. Шунингдек, ҳудудларда умумий 4 минг 212,2 километр газ қувурлари мавжуд бўлиб, уни мавсумга тайёрлаш жараёнида 188,4 километрга жойлашган ер ости қувурларининг ҳолати замонавий “VARIOTEK-480 EX” ускунаси усули билан текширилмоқда. 170,7 километр газ қувурлари эса эстетик жиҳатдан тартибга келтирилишти ва 9,3 километрга қувурларда реконструкция ишлари бажарилиб, 1 километр қувур мукамал таъмирланди.

Бу борадаги тадбирлар айниқса, Қонимех туманида уюшқоқлик билан бажарилаётгани

бошқаларга ибрат бўлаётди. Туман ҳудудида истикомат қилаётган 5 минг 700 нафар истеъмолчини табиий газ билан бир меъёрга таъминлаш мақсадида 26 та газ тақсимлаш пунктларида демонтаж ишлари амалга оширилди. Натияжада қарийб 1 500 та хонадоннинг газ таъминоти яхшиланди. “Қонимехтумангаз” корхонаси мутахассисларининг айтишларига, ҳудудда 85 та газ тақсимлаш пункти бор ва уларнинг 5 таси юқори босимли, қолган 80 таси эса ўрта ва паст босимли пунктлар бўлиб, қувурларнинг умумий узунлиги эса салкам 270 километрдан иборат.

Куз-қишга тайёрларлик кўриш жараёнида мавжуд пунктлар ҳамда газ қувурларида техник кўрик, таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари давом эттирилмоқда. Шу билан бирга, жорий йил туман бўйича 56 та газ тақсимлаш пунктида тафтиш ўтказилиши белгиланган бўлиб, 5 километр ер ости газ қувурларининг ҳолати махсус приборда текширилди. 5 километр қувурда эса босим остида зичликка синаш ва ҳаво босими ёрдамида тозалаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, 15 километр газ қувурларини эстетик тартибга келтирилиб, 10 километр узунлидаги қувурларда бўёқлаш ишлари амалга оширилди.

Ўрни келганда айтиш жоизки, яқунланган йилда тармоққа ноқонуний уланиб олган ўндан ортиқ фуқаролар аниқланди. Бундай ҳолатлар қайта тақдорланмаслиги учун ҳозирги кунда қарорда назарда тутилган бўйича табиий газ тармоғига уланган 8 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 16 мингдан ортиқ газ жиҳозларини профилактика кўридан ўтказишга киришилди. Зотан, истеъмолчилар гаддан тегишли тартиб бўйича фойдаланса, у тежалари ва ноҳуш ҳолатларнинг олди олинади.

Сув таъминоти тизими РАҚАМЛАШТИРИЛМОҚДА

Райҳона ХЎЖАЕВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар бир ислохотнинг негизида “Инсон қадрини учун” эзгу ғояси мужассам, Давлатимиз раҳбари ҳар бир ташкилот ва идора олдига аҳолига хизмат кўрсатишда янада кенг қулайликлар яратиш, одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш вазифасини қўйган. Бу вазифани эса ҳар бир соҳани, шу жумладан, аҳолига ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларини чиқариб юбориш хизматларини кўрсатиш жараёنларини рақамлаштиришмасдан, мазкур йўналишда янги ахборот технологияларини жорий этмасдан амалга ошириб бўлмайди, албатта.

Хусусан, сўнгги 6 йилда аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилашга 10 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан 1176 та сув иншооти ва 20,8 минг километр ичимлик суви тармоқлари тортилди. Натияжада республика аҳолисининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлиги даражаси 2017 йилда 63,9 фоизни ташкил этган бўлса, бугунга келиб ушбу кўрсаткич 74,4 фоизга етказилди. Ушбу давр мобайнида 8,2 миллион нафар аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланди, 4,8 миллион нафар аҳолининг эса ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги “Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, сув таъминоти давлат унитар корхоналарини маъсулият чекланган жамияти сифатида қайта тузиш орқали “Ўзсувтаъминот” АЖ ташкил этилгани соҳада туб бурилиш ясади.

“Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти ташкил этилиши билан соҳада корпоратив бошқарув тизими жорий этилди. Барча асосий йўналишлар бўйича ишлар тизимли асосда йўлга қўйилди. Халқаро молия институтлари томонидан молиялаштирилган лойиҳаларни тайёрлаш, мувофиқлаштириш ҳамда амалга ошириш мақсадида акциядорлик жамияти негизда лойиҳа офиси ҳам ташкил этилди. Ташкиллаш жоиз, бугунги кунда соҳага янги инновацион технологияларини жорий этиш, коррупциявий ҳолатларнинг

дорликнинг юзага келиши каби авваллари кўп учраган ҳолатларни максимал даражада қамайтирди. Эътиборлиси, биллинг тизими доирасида истеъмолчилар учун қўллаб қўлайликларга эга бўлган “Шахсий кабинет” хизмати ишга туширилиб, натижада истеъмолчи унга кўрсатилаётган хизматлар тўғрисида тўлиқ маълумотларни олиш имкониятига эга бўлди.

Хусусан, ҳозирда “Шахсий кабинет” орқали истеъмолчилар шахсий маълумотларини қўриши, амалга оширилган ҳисоб-китоблар ва тўловлар тўғрисида маълумотларга эга бўлиши ҳамда сув ҳисоблагич кўрсаткичларини масофадан туриб юбориши мумкин. Энг асосийси, “Шахсий кабинет” орқали истеъмолчилар учун тўловларни уйдан чикмасдан туриб, онлайн тарзда амалга ошириш имконияти пайдо бўлди. Истеъмолчилар учун яратилаётган қулайликлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида худди шундай функцияларга эга бўлган “uzsuv@bot” телеграм-боти фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Бундан ташқари, аҳоли мунооти ва оқова сув тизимини рақамлаштиришда геахборот ва SCADA тизимлари ҳам жорий қилинади.

Бу ҳақда АОҚада ўтказилган брифингда “Ўзсувтаъминот” АЖ ахборот хизмати раҳбари Акмал Муродов маълум қилди.

Брифингда таъкидланишича, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастури доирасида “Ўзсувтаъминот” АЖ томонидан истеъмолчиларга Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган бўлиб, ҳозирда уларга 5 турдаги:

- сув ҳисоблагичини қиёслашдан ўтказиш, ечиш, ўрнатиш ва таъмирлаш; кўрсатиладиган хизматлар бўйича шартномалар тузиш;
 - сув таъминоти ва оқова сувларини чиқариб юбориш лойиҳасини келиштириш;
 - сув таъминоти ва оқова сувларини чиқариб юбориш тармоқларига уланishi учун техник шартларни олиш хизматлари кўрсатилиб келинмоқда.
- Шу билан бирга, 2021 йилда аҳоли истеъмолчилари учун такомиллаштирилган ҳамда тегишли давлат идораларининг маълумотлар базаси билан интеграция қилинган “Uzwater” ягона биллинг тизими ишга туширилган эди. Ушбу биллинг дастури таъминотчи ва истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китоблардаги тушунмовчиликлар, норезал қарз-

дорликнинг юзага келиши каби авваллари кўп учраган ҳолатларни максимал даражада қамайтирди. Эътиборлиси, биллинг тизими доирасида истеъмолчилар учун қўллаб қўлайликларга эга бўлган “Шахсий кабинет” хизмати ишга туширилиб, натижада истеъмолчи унга кўрсатилаётган хизматлар тўғрисида тўлиқ маълумотларни олиш имкониятига эга бўлди.

Хусусан, ҳозирда “Шахсий кабинет” орқали истеъмолчилар шахсий маълумотларини қўриши, амалга оширилган ҳисоб-китоблар ва тўловлар тўғрисида маълумотларга эга бўлиши ҳамда сув ҳисоблагич кўрсаткичларини масофадан туриб юбориши мумкин. Энг асосийси, “Шахсий кабинет” орқали истеъмолчилар учун тўловларни уйдан чикмасдан туриб, онлайн тарзда амалга ошириш имконияти пайдо бўлди. Истеъмолчилар учун яратилаётган қулайликлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида худди шундай функцияларга эга бўлган “uzsuv@bot” телеграм-боти фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Бундан ташқари, аҳоли мунооти ва оқова сув тизимини рақамлаштиришда геахборот ва SCADA тизимлари ҳам жорий қилинади.

Бу ҳақда АОҚада ўтказилган брифингда “Ўзсувтаъминот” АЖ ахборот хизмати раҳбари Акмал Муродов маълум қилди.

Брифингда таъкидланишича, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастури доирасида “Ўзсувтаъминот” АЖ томонидан истеъмолчиларга Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган бўлиб, ҳозирда уларга 5 турдаги:

- сув ҳисоблагичини қиёслашдан ўтказиш, ечиш, ўрнатиш ва таъмирлаш; кўрсатиладиган хизматлар бўйича шартномалар тузиш;
 - сув таъминоти ва оқова сувларини чиқариб юбориш лойиҳасини келиштириш;
 - сув таъминоти ва оқова сувларини чиқариб юбориш тармоқларига уланishi учун техник шартларни олиш хизматлари кўрсатилиб келинмоқда.
- Шу билан бирга, 2021 йилда аҳоли истеъмолчилари учун такомиллаштирилган ҳамда тегишли давлат идораларининг маълумотлар базаси билан интеграция қилинган “Uzwater” ягона биллинг тизими ишга туширилган эди. Ушбу биллинг дастури таъминотчи ва истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китоблардаги тушунмовчиликлар, норезал қарз-

хоро вилоятидаги “Икки даҳа” каби йирик сув тозалаш иншоотларида ишлаб келмоқда. Шунингдек, сув сифати ва хавфсизлиги мониторинги учун “WATER LAB” ахборот тизими жорий этилиб, республика бўйлаб ичимлик суви сифатини назорат қилиш имконияти сезиларли даражада кенгайтирилди. Бунинг учун сув таъминоти соҳасидаги барча мавжуд лабораториялар рақамлаштирилди ва ҳужжат алмашинуви ҳамда ҳисоб-ботлар электрон тарзда юритилишига эришилди.

– Истеъмолчиларга кўрсатиладиган давлат ҳамда қўшимча хизматларнинг сифат жиҳатдан янада яхшилаш мақсадида, “Сувўлччи хизмати” АЖ ташкил этилди, – деди Акмал Муродов. – Соҳани рақамлаштириш ва трансформация қилиш, истеъмолчилар билан ишлашда янги инновацион ечимларни жорий этишда илғор хорижий тажрибани ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, айни кунларда Осие тарраққўёт банки билан ҳамкорликдаги лойиҳа доирасида ушбу мамлакатнинг “K-Water” компаниясида маҳаллий мутахассисларининг учун “Ўзбекистон суви таъминоти соҳасида салохиятни ошириш” мавзусида ўқув дастури ўтказилмоқда. Ўқув дастурида алоҳида блок айнан соҳага рақамли технологияларни жорий этиш масалаларига бағишланган.

Бундан ташқари, бугунги кунда АҚШнинг “Nobel Systems” компанияси томонидан ажратилган грант маблағлари асосида Чирчиқ шаҳрида 90 га яқин туман ва шаҳарларида сув таъминоти корхоналарининг назоратчилари томонидан хизматлар учун аҳолидан пул ундириш ишлари ҳам тўхтатилиб, тўловларни амалга ошириш электрон шаклга ўтказилди. Соҳани рақамлаштириш жараёнида ҳозирда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларини чиқариб юбориш объектлари фаолиятига геахборот ва SCADA тизимлари ҳам жорий қилинмоқда. Бу тизимларнинг афзаллиги шундаки, улар реал вақт режимида тармоқлар ва иншоотларнинг ҳолати тўғрисида маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш, тармоқлардаги носозликларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш, сувнинг технология йўқотишларини олдини олиш ва пировадарда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш имконини беради.

Ҳозирда бундай тизимлар, Жиззах вилоятида қурилган “Узунбулоқ”, Тошкент вилоятидаги “Қодирия”, Бу-

Konstitutsiya O'zimizniki

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI REFERENDUMI 2023

Лазизхон ПОЗИЛОВ,
Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи:



– Янгича қараш, янгича ҳаёт тарзи Конституциянинг айрим моддаларига тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш зарурлигини тақозо этгани рост. Шунинг учун ҳам янгиланаётган Конституция халққа ҳавола қилинди, уларнинг таклифлари эътиборга олиниб, унга ўзгартириш киритилаётгани, очиклик, ошкоралик, демократик тамойилларга тўла амал қилинаётгани бежиз эмас. Халқимиз томонидан фаоллик билан 222 мингта таклиф билдирилгани ва 61 та таклиф Конституцияга киритилгани унинг халқчиллиги белгисидир.

Шунингдек, Асосий Қонунимизнинг 65 фоиз матни халқимиз таклифлари асосида янгиланаётгани эътиборга молик. Лойиҳанинг таклиф этилаётган матнига кўра, Ўзбекистон – суверен республика, ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий, демократик давлат экани белгиланмоқда. Унинг биринчи моддасидаёқ Ўзбекистон ижтимоий давлат, деб эълон қилинмоқда. Давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалар қарийб уч бараварга ортапти. Масалан, ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланмоқда. Ушбу норманинг амал қилиши ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилаларнинг ўз бошланасига эга бўлишини таъминлаб, кишиларнинг ҳаётдан розилик даражасини оширади.

Ўтган йили мамлакатимизда 50 минг оила учун янги квартиралар олишга шартли яратиб берилган бўлса, бу йил 90 минг оилани уй-жойли қилиш марраси белгиланган. Шунинг таъкидлаш лозимки, янги тахрирдаги Конституция Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятида ҳам муҳим ҳужжат ҳисобланади. Жумладан, Бош Қомусимизда давлат уй-жой қурилишини рағбатлантириши ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шартли яратилиши, ҳеч ким уй-жойга унда яшовчи шахсларнинг хоҳишига қарши кириши мумкин эмаслиги, ҳар ким Ўзбекистон бўйлаб эркин ҳаракатланиш ва ашаш жойини танлаш ҳуқуқига эгалиги, ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойдан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойдан маҳрум этилган мулкдорга у кўрган зарарларнинг ўрни олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, халқимиз муаллифлигида ишлаб чиқилаётган ушбу Конституция лойиҳаси мамлакатимиз тараққиёти, фуқароларимиз турмуш тарзини юксалтириш йўлида қабул қилинадиган барча қонуналаримиз учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Орифжон БОБОРАЖАБОВ,
Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бўлим бошлиғи:

– Узоқ йиллардан бери қурилиш соҳасида меҳнат қилган шахс сифатида, мустақил Ўзбекистоннинг ўттиз йилдан зиёд бўлган даврдаги тараққиётига назар соладиган бўлсак, Асосий Қонунимизга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, ундаги моддалар ва нормаларни замон талабларига, халқ эҳтиёжларига мослаштириш зарурлигини англаш қийин эмас. Таъкидлаш керакки, амалдаги Конституциямизга шу кунгача 15 марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Уларнинг асосий қисми давлат бошқаруви, Президент, ҳуқуқат ва сайлов тизими билан боғлиқ эди. Эндиликда 50 фоздан ортиқ ўзгаришлар инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ экани барчамизни қувонтирмоқда.

Шу ўринда, янгиланаётган Конституциямизга киритилаётган нормаларнинг баъзиларига тўхталиб ўтмоқчиман. Хусусан, Конституция лойиҳасида тадбиркорлар қонунчилиққа мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ҳақли эканликлари қафолатланмоқда. Илк мартабада ер хусусий мулк бўлиши мумкинлиги назарда тутилмоқда. Хусусий мулк бўлган ер участкаси мулкдори ерни сотиш, ҳада қилиш, айирбошлаш, гаровга қўйиш, мерос қилиб қолдириш каби ҳуқуқларни қўлга киритади. Энг муҳими, бундай ерни давлат фақат мулкдорнинг розилиги билан, шартнома асосида, бозор нархида жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиши мумкин.

Ҳаммаиз ҳам бирор том остида яшайми: кимдир ўз уйда, кимдир ижара хонадонда. Аммо шу икки шартдаги инсонларнинг ўйи ҳам, ташвиши ҳам бир-бириникидан мутлақо фарқ қилади. Ижарада турадиган одамнинг холи ўзига аён, ҳали тўловларни деб, ҳали уй эгаси кўчириб юборишдан хавотирда яшайди. Ўзига, ўз оиласига тегишли уйда умргузаронлик қилаётган оилада эса ҳаловатни ҳис қиласиз. Уйи бор одамнинг оиласида тинчлик, ишида унун бўлади. Сўнгги йилларда юртимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, қурилишлар қўлини кенгайтириш билан ҳам янада рағбатланиш бўлиб турганининг боиси ҳам шунда. Ҳар бир



фуқаро ўз уйига эга бўлсин, деган мақсадда арзон уй-жойлар ва кўп квартиралар уйлар қуриш кескин жадаллашди. Соҳада янги архитектура ва техник ечимлар жорий этилиши орқали одамларнинг маиший турмуш шартлирини яхшилаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, бугунги кунда Сирдарё вилоятида ҳам бу борадаги ишлар авжида. Ўзида барча замонавий инфратузилмани қамраб олган ҳолда қад ростилаётган "Янги Ўзбекистон" массивида ҳозирги кунда 400 хонадонга мўлжалланган 20 та кўп қаватли бино қурилмоқда. 2022-2024 йилларга мўлжалланган қурилиш ишлари бўйича жами 1000 та хонадондан иборат 50 та кўп қаватли кўна, ҳудудда ижтимоий объектлар, яъни мактабгача таълим муассасаси, умумтаълим мактаби, савдо ва маиший хизмат каби кўплаб объектлар қуриб топширилади.

Буларнинг барчаси юртимизда инсон қадри-ни юксалтириш йўлидаги муҳим қадамлардир. Эндиликда бу каби вазифаларнинг қонун билан мустаҳкамлаб қўйилаётгани биз қурилиш соҳаси ходимларини ҳам янада рағбат ва шижоат билан ишлашга ундайди.

Бахтиёр БОЗОРОВ,
Пастдарғом тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи:

– Кейинги йилларда қурилиш қўламининг кескин кўпайиши ва кўркам кўп қаватли уй-жойлар қад ростлаши туфайли юртимиз янада ободонлашиб, чирой очмоқда. Аҳолининг яшаш учун қўлай шартли яратилаётгани барчага манзур бўлган. Лекин ана шу бунёдкорлик ишлари замирида баъзида учраб тураётган норозиликлар ҳам бор. Яъни, янги хонадонлар қурилиши жараёнида "снос"лар билан боғлиқ муаммолар. Фуқаролар давлат эҳтиёжи учун, деб олиб қўйилган ҳовлилари ўрнида кўп қаватли уйлар тикланиб, уларни рози қилмаслик анча мижозларга сабаб бўлаётган эди. Кимнингдир уйига етказилган зарар тўлиғича қоплаб берилмади, айримлари аро йўлда қолди, бошқасининг ҳужжатларидаги носозлик туфайли норозилик келиб чиқди. Вазият шу даражага



ети бордики, фуқаро билан пудратчи-қурувчилар ўртасидаги тортишув жанжалга айланди. Ишга ҳокимликлар, орган ходимлари ва суд аралашди.

Янги тахрирдаги Конституцияда ана шундай ҳолатларга барҳам бериш масаласи кўтарилганлиги айни муддаодир. Бош Қомусимизнинг 47-моддасига кўра, "снос" муаммоси бўйича ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга номувофиқ ҳолда уй-жойдан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Агар шундай вазият вужудга келса, мулкдорга уй-жой ва унга етказилган зарарнинг ўрни қонунда назарда тутилган тартибда олдиндан ва тенг қийматда қопланиши таъминланади.

Бундан ташқари, янгиланаётган Конституция лойиҳасида давлат уй-жой қурилишини рағбатлантириши, шунингдек, уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шартли яратилиши ҳам кўзда тутилмоқда. Буларнинг барчаси юртимизда олиб борилаётган инсонларвар ислохотларнинг амалдаги ифодаси бўлиб, барчасининг замирида шу юрт равнаки, шу халқ фаровонлиги муҳим ҳисобланади.

Ёрқин истиқбол сари ташланган жиддий қадам

Валентина ЛИСЕНОВА, Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бош мутахассиси.

Мамлакатимизда жорий йил 30 апрель кунини бўлиб ўтадиган Конституциявий қонун бўйича умумхалқ сайлови – референдум арафасида турли соҳа вакиллари бу сиёсий жараёнда фаол иштирок этиб, конституциявий ўзгаришларни қўллаб-қувватлашга чақирмоқда. Айни кунда қарийб 36 миллионлик юртимиз аҳолисининг бахтли турмуш кечирishi, давлатнинг тараққиётида унинг ҳуқуқий асоси муҳим аҳамиятга эга. Залворли мақсадлар, эҳтиёжлар эса Конституцияни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Хусусан, янги Ўзбекистонни барпо этишда янгиланаётган Бош Қомусимиз ёрқин истиқбол сари ташланган жиддий қадам десак, муболаға бўлмайди.



Мен Бухоро вилоятида туғилганман. Миллатим рус. Янги Конституциявий қонун лойиҳасининг 8-моддасида Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади, деб кўрсатиб ўтилган. Бу эса мен, оилам ҳамда Ўзбекистон Республикасида яшаб, ҳар хил соҳаларда фаолият юритиб келаётган турли миллат ағалари Ўзбекистон фуқароси сифатида мамлакатимиз Конституцияси томонидан ҳимояланганидан далолат беради.

Архитектура ва қурилиш соҳасида 23 йилдан бунён турли лавозимларда ишлаб келаяман. Бугунги фаолиятимизни олдинги йиллар билан солиштирганда, қурилиш соҳасида кўпгина ўзгаришларга эришилди. Биргина Бухоро вилояти мисолида айтилган бўлса, маънан эскирган 2 қаватли биналар ўрнида замон талабларига мос концепция лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ҳозирги

кунда ушбу концепция лойиҳалари асосида кўп қаватли уй-жой биналари, болалар боғчалари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биналари қад кўтарди. Бу янгиланишлар кўнча заминимиз архитектурага замонавий руҳ бағишлаб, аҳоли кайфиятини ҳам кўтаришга хизмат қилмоқда.

Биз қурилиш соҳаси вакилларини қувонтирган яна бир масала бу – эндиликда янги тахрирдаги Конституциявий қонун лойиҳасида ишлаб чиқилган шаҳарсозлик ҳужжатларини жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши белгиланмоқда. Бу ўзгариш ҳам бевосита шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга.

Мен сингари жамоамиз аъзолари ҳам янгиланаётган Конституцияга бефарқ эмаслигига аминман. Шундай экан, барча юрдошларимизни Янги Ўзбекистоннинг янгиланаётган Конституцияси референдумида иштирок этишга чорлаб қолам!

Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетининг беш ташаббус марказида Ижтимоий фанлар кафедраси ҳамда магистратура бўлими профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирокида "Янгиланаётган Конституция – Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ижтимоий фанлар кафедраси мудири Аслиддин Қўлдошев Бош Қомусимизга киритилаётган ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти, хусусан, таълим ривожига доир муҳим жиҳатлар хусусида маълумот берди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституциясидаги моддалар сони 128 та бўлган бўлса, янги Қомусида уларнинг сони 155 тани ташкил этиб, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага оширилмоқда. Қисқача айтганда, амалдаги Конституция-

ямизнинг 65 фоизига ўзгартириш киритилмоқда. Тадбир давомида мазкур ҳуқуқий ўзгаришларнинг соҳа ривожидидаги ўрни хусусида иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан Ижтимоий фанлар кафедраси ва магистратура бўлими профессор-ўқитувчилари жорий йил 30 апрель кунини республикамизда бўлиб ўтадиган умумхалқ референдумида барча талаба ёшларни ўзларининг фуқаролик позициясини намоён этган ҳолда фаол иштирок этишга чақирди.

Ўз мухбиримиз.

Янгиланаётган Конституция – тинчлик ва фаровонлик қафолати

Санжар ИСАКОВ, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети катта ўқитувчиси.

Ҳар қандай давлатнинг Бош қонуни Конституция ҳисобланади. Конституция сўзи луғавий жиҳатдан "Низом", "Қоидалар тўплами" деган маънони англатади. Лекин мазмун-моҳиятига кўра, ушбу ҳужжат мамлакат, унинг фуқаролари ҳаётида жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Мамлакатимизнинг Бош Қомусида жамият ва давлат, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тузилиши ҳамда фаолиятининг асосий принциплари, уларнинг ваколатлари, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар белгилаб берилган. Амалдаги барча қонунлар ва бошқа

ҳужжатлар Конституция негизида ва унга мувофиқ тарзда қабул қилинади. Янгиланаётган Конституциямиз юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро борки, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари жамиятдаги ўрнининг барқарорлигини таъминлашга янада кенгроқ имкониятларни яратиб беради.

Бир сўз билан айтганда, Бош Қомусимиз "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига ўтиш"нинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворидир. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси десак муболаға қилмаган бўламиз. У халқимизга

ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва фаровон, осойишта яшашнинг қонуний қафолати бўлиб келмоқда.

Бинобарин, бугунги кунда янгиланаётган Бош Қомусимизнинг ҳар бир моддаси юртимиз равнақи, халқимиз тинчлиги ва ҳаётимиз фаровонлигига ижобий томондан муҳим ўзгаришлар киритишини ҳар биримиз юракдан ҳис қилмоғимиз лозим. Бунинг учун асосий қонуни-мизни умумтаълим мактабларида, олий таълим муассасаларида, маҳалла ва меҳнат жамоаларида тизимли равишда ўрганиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширишимиз биз учун ҳам қарз ҳам фарзидир.

Ўз ошёнига эга бўлиш улкан бахт



Наргиза МИРЁҚУБОВА, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Инсоннинг ҳаётдан рози бўлиб, ўз оиласи билан бахтли ва фаровон яшаш шубҳасиз унинг ўз уйига, ошёнига эга бўлиши билан боғлиқ. Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан эҳтиёжманд, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган оилаларни уй-жой билан таъминлаш борасида олиб борилаётган инсонпарвар сиёсат туфайли ҳам бугун миллионлаб ватандошларимиз ўз уйига, бошпанасига эга бўлмоқда. Бу эса уларга янги яшаш завқини бермоқда.

Айниқса, уй-жой билан таъминлашда фуқароларимизга қатор имтиёз ва енгилликларнинг берилаётгани ҳам аҳолини уй-жой билан таъминлаш суръатини оширмоқда. Президентимиз раислигида шу йилнинг 5 апрель кунги янги уй-жойлар қурилиши ва 2023 йилги Ипотека дастури бўйича устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам уй-жой қурилиши янада кенгайтириш мақсадида қурилиш компаниялари ҳамда аҳолига уй-жой олиши учун янги имконият ва қулайликлар яратилмоқда.

– Битта турар жой биносини қуриб, фойдаланишга топширишга маблағимиз етмаса, уни биттиришга етарлича сармоя топишга қанча вақт ва асбобларимиз кетарди, – деди қурилиш компанияси раҳбари Зафар Жўрақулов. – Эндиликда Президентимизнинг “2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида кўра битта қаватни битиргач, кейинги қаватларни қуришга маблағимиз етмаса, ана шу қаватни гаровга қўйган ҳолда банкка кредит олиш учун мурожаат қилишимиз мумкин. Бу янгилик бизга эндиликда уй-жойларни ўз вақтида қуриб, аҳолига топширишга жуда катта қўлайлик яратди. Бунинг натижасида биз ишимизни яна кенгайтиришимиз, янги иш ўринларини яратишимиз мумкин. Қурилиш ташкилоти бўлганимизни инобатга олиб айтганимиз бўлса, айрим қурилиш материалларини четдан олиб келишга мажбур бўлардик. Фармонга кўра божхонада расмийлаштириш жараёнида тўловлардан бир йилга имтиёзлар узайтирилганидан хурсанд бўлдик. Иш фаолиятимиз бугунги кунда кластерга айланди. Иккон қадар ўзимиз қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга ҳаракат қилияшимиз.

Чиндан ҳам уй-жойлар қуриш, янги массивлар барпо этиш соҳасида бугун улкан ишлар амалга оширилиб, уларнинг кўлами йил сайин кенгайиб борапти. Қисқа фурсатларда замонавий шаҳарчаларга асос солинмоқда, янги турар жой бинолари, мактаб ва боғчалар, истироҳат боғлари барпо этилмоқда. Буларнинг барчаси халқимизнинг турмуш тарзини яхшилашга, уларни ҳаётдан рози бўлиб яшашга, энг муҳими эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Аҳамиятли томони, қад кўтарайётган янги уй-жойларнинг қурилишида замонавий энергия тежамкор ва инновацион технологиялардан самарали фойдаланилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик тамойилларига асосланган илчил ислохотлар одамларни ҳаётдан рози қилиб, эртанги кунга бўлган ишончини оширмоқда. Бунда айниқса, уларнинг бирламчи эҳтиёжи – уй-жой билан таъминлаш йўлидаги ишларга ва уларни фаровон турмуши учун хизмат қилаяпти.

Биргина Самарқанд вилоятининг ўзига ўтган 6 йил давомида 840 та уй, 38 мингдан ортиқ хонадонлар фойдаланишга топширилди. Бу курсаткилар эса йил сайин ортиб бормоқда. Яна бир маълумот, 2020–2023 йилларда 5 минг 774 нафар фуқарога қарийб 195 миллиард сўм субсидия ажратилган бўлса, 18 мингга яқин фуқароларга 3,7 триллион

сўм уй-жой учун имтиёзли ипотека кредитлари берилди. Шунча имтиёз ва енгилликлар йиллар давомида уй-жойга муҳтож бўлиб, ижарама ижара яшаб, бошпана нималигини билмаган аҳоли учун ҳақиқий бахт, чинакам имкониятдир.

– 6 йил давомида ижарада турганман, – деди самарқандлик Зебо Сиддиқова. – Президентимизнинг бизга берган имкониятларидан фойдаланиб, субсидия асосида харид қилинган янги уйда истиқомат қиламан. Эндиликда даромади кам бўлган фуқароларга ҳам уй-жойлар ажратилиши, имтиёзли кредитлар берилишини эшитиб хурсанд бўлдим. Чунки мен каби уйга, ўз Ватанига муҳтожлар қанча? Уларнинг оғири енгил бўлиши мени қувонтирди. Мана шундай имкониятлар яратилаётгани учун Президентимизга катта раҳматлар айтмазим.



Самарқандда илк бор юқори қўлайликларга эга “Ақлли шаҳарча” барпо этилмоқда. Лойиҳа қиймати 720 миллиард сўм бўлган мазкур “Ақлли шаҳарча”да 8 қаватдан 36 қаватгача бўлган 36 та кўп қаватли уйлар қад ростляпти. Шунингдек, шаҳарча лойиҳасидан ўрин олган 70 та оилага мўлжалланган ҳар бири 200 квадрат метрни ташкил этувчи тамхауслар ҳам ўрин олган. Тез кунларда 11 минг аҳолини ўз бағрига оладиган гузал шаҳарча бунёд этилади ва бунинг учун барча қўлайликлар ҳозирланмоқда. Бундан ташқари, шаҳарчада 1 200 дан ортиқ ўринли замонавий умумтаълим мактаби биноси, 800 ўринли хусусий мактабгача таълим ташкилоти, меҳмонхона, савдо мажмуаси, тиббий марказ, универсал спорт ўйингоҳи, очик ва ёпиқ болалар майдончалари, 1000 ўринга мўлжалланган кўп тармоқли аёллар маркази, 1760 та ер ости ва 780 та ер усти жами 2 540 дан ортиқ автомобиль жойлашадиган тураргоҳлар ўрин олган.

Бугунги кунда ушбу шаҳарчада 372 та хонадондан иборат 8 та кўп қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилган. Уйларнинг фасади 3 та қопламадан, яъни газоблок, иссиқлик тежовчи базальт материали, цементли плитадан иборат бўлиб, хонадонлардаги ҳароратнинг қишда иссиқ ёзда салқин бўлишини таъминлайди. Ушбу уй-жойларнинг қурилишида мамлакатимизда биринчилар қаторида янги ёндошув жорий этилди. Яъни, барча муҳандислик коммуникация тармоқлари, туннель орқали ўтказилган. Шаҳарча остидан узунлиги 1100 метрни ташкил қилувчи мазкур туннель кўча ва майдончаларни бузилишдан сақлайди ва коммуникация тармоқларидаги ҳар қандай носозликлар муаммосиз туннельда амалга оширилади.

Мазкур “Ақлли шаҳарча”да ижтимоий кўмакка муҳтож фуқаролар учун ҳам хонадонлар ажратилди. Эҳтиёжманд аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурлари доирасида Самарқанд шаҳридаги Нури келажак маҳалласида ҳам 6 қаватли уйлар 114 та оила учун фойдаланишга топширилиб, ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларга берилди. Нилуфар Унгаловнинг 3 нафар фарзанди бор. Ижарама ижара яшаб ҳаётга бўлган ишончи сўнган бу аёлнинг бугун кўзлари бахтдан порлайди. Сабоби 2 хонали уйлардан бири унга бепул берилди.

– Инсоннинг уйи бўлса, демек иши ҳам унумли бўлар экан, – деди Нилуфар Унгалова. – Фарзандларимнинг ўқиши ҳам бирмунча яхшиланди. Ке-

лажақда илми кишилар бўлиб, юртимизга хизмат қиладиган фарзандлар бўлиб етишишига умидим бор. 15 йил давомда биз ижарада турдик. Давлатимизнинг бундай ғамхўрлиги, инсон қадри ростидан ҳам улугланиётгани учун миннатдорман.

Гулноза Мамедова 4 нафар фарзанди билан 15 йил ижарада яшади. Охириги йиллар қаерга борарини ҳам билмай ҳаётдан умидини узган эди. Бугун Гулноза бундан ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолиб кетмаслигини ўз ҳаёти мисолида кўрмоқда. Фарзандларига меҳр билан боқиб, уларни шу юрт учун муносиб фарзанд қилиб вояга етказишни ўз олдига мақсад қилган. Азиза Каримова эса Пастдарғом туманидан. Унинг икки нафар фарзанди бор. Уйсилик муаммоси уни ҳам йиллар давомида қийнаб келарди. Ўзи кўз бўйича 1 гуруҳ ногирони бўлган Азиза фарзандларини едириши ва кийдириши учун маблағ топа олмас эди. Барча қўлайликларга эга хонадоннинг бепул берилиши Азиза ва фарзандларининг қувончини, яшашга бўлган ишончини оширди.

2022 йилда 107 та уй, қарийб 5 000 га яқин хонадонлар фойдаланишга топширилган бўлса, бу курсаткич 2023 йилда қарийб 1 баробарга ортмоқда, яъни, 203 та уй, 10 мингдан зиёд хонадонлар ўз эгаларига топширилади. Яна юзлаб юртдошларимиз ўз ошёнига эга бўлишади. Самарқанд вилоятида уй-жой қурилиши ҳамда аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида олиб борилаётган бу каби ҳайрли ишлар мамлакатимизда “Инсон қадри учун” деган тамойил ҳаётда нечоғли ўз ифодасини топаётганидан далолат беради. Ўз ошёнига эга бўлишдек бахтга мушарраф бўлган ҳаюртларимизнинг хурсандчилиги, севинч ёшлари бугунги ҳақиқатдан далолат беради. Чиндан ҳам бу муқаддас Ватанда инсон азиздир!



Катта ислохотларнинг кичик нафаси



Азиз МАШРАБОВ, журналист.

Нусратилла Шеровнинг оёқларида толиқиш, чидаб бўлмас даражадаги оғриқ пайдо бўлганида 16 ёшда эди. Йиллар ўтиши билан оёқ мушаклари кучсизланиб, ҳатто баъзан нафас олишга ҳам қийналарди. Кундан-кун ҳаракати сустлашиб, бошқалардан ажралиб қолаётгани сабаб, энди ҳеч кимга керагим йўқ деган ҳаёл унга тинчлик бермасди. У кўп даволанди, лекин фойдаси бўлмади. “Мендан катта опамнинг ҳаракат тизимиди ҳам муаммо бор эди. Бу ҳолатни кўриб, ҳис қилиб турган ота-онамнинг тушқунликка тушиши, ҳар дақиқа ташвиш чекишини кўриб, баттар сиқилардим”, дейди у.

Қарийб 40 йил бўлибдики, Нусратилла Шеров ногиронлик аравачасида ҳаракатланади. Лекин, у тақдирим шу экан деб чекинмади. “Бир кун келиб мен яна юра оламан”, деган умид билан ҳар кун танани чинқитирадиган, оёқ ҳаракатларини жонлантиришга ёрдам берадиган турли жисмоний машқларни бажаради. Сарбосиё туманидаги Шарқ юлдузи маҳалласининг Сангардак кўчасида Нусратилла Шеров сингари ҳаракат тизимиди муаммоси бор 12 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оила бор. Биз хизмат юзасидан ушбу маҳаллада бўлганимизда, дастлаб биринчи гуруҳ ногирони Нусратилла Шеров билан учрашдик. Унинг қалб кечинмаларини тингладик. Сўхбат чоғида юртдошимиз 3-синфга қадар тенгқурларни қаторида мактабга боргани, синфдошлари билан футбол ўйнаган кезлари ҳақида гапириб берди.

Нусратилла Шеровнинг айтишича, бир вақтлар, айниқса, киш ойларида газ таъминоти борасида юзага келадиган муаммолар бугун ҳеч бир хонадонда йўқ. Чунки, юртимизнинг еч чекка ҳудудлари ҳам газ баллонлар ўз вақтида етказиб берилмоқда. Лекин қаҳрамони-

миз айтганидек, газ плитига газ баллондан эмас, қувур орқали табиий газнинг келиши бошқача экан. Ўтган 2022 йилда маҳалладаги барча хонадонга тиббий газ кириб келди. Шарқ юлдузи маҳалласи ахлининг орзу-ниятлари амалга ошди, қийинчиликлари ортда қолди.

Бу ишларни юртимизда амалга оширилаётган инсонпарвар ислохотларнинг кичик бир мисоли, десак арзийди. Хусусан, “Худудга Сурхондарё” газ таъминоти филиалига ўтган 2022 йилда 10 минг 239 та турли мавзуда мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 6 минг 83 таси ижобий ҳал қилинди. Фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида, тўлиқ, беғараз ўрганиш ҳамда улар юзасидан қўнуний чоралар қўришда раҳбар ва мансабдор шахслар янада масъулият билан ёндашиши талаб этилади. Бу эса халқнинг адолатга, бошқача айтганда, давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда Сарбосиё туманида 11 мингдан ортиқ табиий газ истеъмолчилари бор. Хусусан, Сангардак кўчасидаги намунавий уйлар 2017 йилда қурилган. Лекин ушбу хонадонлар газ қувурлари етиб

бормаган ҳудудда бунёд этилгани боис, табиий газ тармоғига уланимаган. Ўтган вақт давомида аҳолининг турли идораларга қилган мурожаати жавобсиз қолгани ҳам рост. Кейинги йилларда халқ фаровонлиги, юрт тараққиёти борасида амалга оширилаётган ислохотлар нассими ушбу маҳаллага ҳам, имконияти чекланган оилаларга ҳам кириб келди. Ўтган 2022 йили туман газ таъминоти бўлими томонидан 600 метр масофага газ қувурлари тортилиб, ҳар бир хонадон тармоққа уланди. Аҳоли хонадонларига АСКУТ тизимиди ишловчи янги электрон газ ҳисоблаш ускунаси ҳам ўрнатилди.

Инсон доимо ҳаракатда бўлсагина, кўзлаган маррасига етишини яхши биламиз. Айтмоқчи бўлганимиз, бу маҳаллада яшовчи имконияти чекланган аҳоли вакиллари “Биз ижтимоий ҳимояга муҳтожмиз, оиламизда ногиронлар бор”, деб қараб тургани йўқ. Азамат Ҳикматов ҳам биринчи гуруҳ ногирони. Лекин ўз хонадониди уй боғчаси ташкил этди. Бугун маҳалладаги 24 нафар бола шу боғча тарбияланувчиси. Бундан ташқари, у ҳовлисидаги 2 сотих ердан ҳам унумли фойдаланимоқда. Ўзи ташкил қилган иссиқхонада картошка, пиёз ва турли қўқатлар етиштирди. Албатта, рўзгордан ортигани бозорга чиқади. Демак, даромад ҳам шунга яраша.

– Яқинда ҳудуддаги ҳар бир хонадонга энергия тежамкор горелкалар ўрнатилди, – деди Азамат Ҳикматов. – Бу эса ҳам қўлай, ҳам хавфсиз. Энг муҳими, пулимиз тежалмоқда.

Бир сўз билан айтганда, юқориди каби ҳайрли ишлар “Инсон қадри учун” тамойили ҳамда катта ислохотларнинг кичик нафаси сифатида оддий одамлар, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган оилаларнинг турмуш тарзида ҳам ўз ифодасини топаётгани қувонарли.

Ҳар бир хонадон эътиборда

Ҳамза ШУКУРОВА, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Самарқанд – дунё сайёҳлари диққатини ўзига ром этган туризм шаҳри сифатида тобора танилиб бормоқда. Сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилиш ҳамда меҳмонлар оқимини ошириш бир жиҳатдан коммунал хўжалиги, ободонлаштириш хизмати ходимларига ҳам боғлиқ. Шу мақсадда ўтган йилдан иш бошлаган “Bustonsogor kommunal” профессионал бошқарув компаниясининг фаолияти эътиборга сазовордир.

– Инсон ўзи яшайдиган манзилни ҳамиша тоза-озода тутиши, кайфиятни кўтарадиган шароит яратиши қадимдан қолган удуmdir, – деди БСК раҳбари Ф. Аннаев. – Меҳмон келадиган юртни покчи сақлаш, ҳар бир қадамжони гўзалликка бурқаш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, фаровонлигини ошириш, сифатли коммунал ва бошқа хизматлар қўрсатишга алоҳида аҳамият қаратиш керак. Фаолиятимизни шунга мослаб ташкил этганимиз сабабли бу борада яхши натижаларга эришяпмиз.

Айтиш жоизки, ишчи-ҳодимлар зиммадаги вазифани бажаришга қатъий бел боғлаб, барча

маҳаллалар, кўча ва хиёбонлар ҳамда йўл инфратузилмасини намунали даражага етказиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, шу асосда ишлаётгани муваффақиятларга йўл очмоқда. 40 тадан зиёд кўп қаватли уйлар, 1560 та хонадонга қадам ранжида қилган кишининг дили яйрайди. Ҳамма жой саранжом-саршти. Бирор носозлик кузатилса, кун тун ишлайдиган диспетчерлар ва махсус усталар хизматга шай туришади.

Компания жамоаси келгусида бу сингари хизматлар сифати ва кўламини ошириш мақсадида янги режалар сари изланмоқда.





Қадрли юртдошларимизга

Рамазон ойи

муборак бўлсин.

Эзгу ойда қилинган барча тилаклар
ижобат бўлади.

Биз ҳам сизга барча эзгу ниятларингиз
амалга ошишини, хонадонингиздан файзу
барака аримаслигини тилаб қоламиз.

«ЎЗШАНАРСОЗЛИК ЛИТИ»

давлат унитар корхонаси жамоаси

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ ВА
УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА
ХУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ**

Асрлар давомида эл-юртимизнинг
маънавий ҳаётида беқиёс ўрин эгаллаб,
халқимиз орасида ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат
ва бағрикенглик тамойилларини янада
мустаҳкамлаб келаётган қутлуғ байрам –

Рамазон ойи

барчангизга муборак
бўлсин!




*Рамазон ҳайити
қутлуғ бўлсин!*

“Ташгипрогор” АЖ



Энг эзгу айём –
Рамазон ҳайити
билан азиз
юртдошларимизни
самимий қутлаймиз.
Ҳаётингиз мудом
яхшиликларга бой
бўлсин.
Савоб амалларингиз
кўпайиб,
Аллоҳ марҳаматини
ҳеч биримиздан асло
дариф тутмасин.
Рамазон барча
дилларни фақат
яхшиликлар
билан
сийласин.

«ҚИШЛОҚҚУРИЛИШЛОЙИҲА» МЧЖ
бош лойиҳа-қидирув институти жамоаси



Рамазон орашнинг
муқддас бўлиши!

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚУРИЛИШ ВА
УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА
ХУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ**



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
Қурилиш ва
уй-жой коммунал
хўжалиги соҳасида
худудий назорат қилиш
инспекцияси

Қалбларга имон, дилларга сокинлик бахш этувчи қадрли
айём билан барчангизни қутлаймиз.
Хонадонингиз тинч-осойишта, ҳаётингиз эса
фаровон бўлсин. Юртимиз равнақи йўлида олиб бораётган
фаолятингизга улкан зафарлар тилаймиз.





Правительство Республики Узбекистан

получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:

Номер пакета	Наименование объекта	Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы	Срок строительства
MOEI-RIDP SYR-W-28	Строительство школьной столовой (80 мест) для школы №21 в МСГ имени Амира Темура Баяутского района Сырдарьинской области	952 006 340 сум без НДС	70 календарных дней
MOEI-RIDP SYR-W-29	Капитальный ремонт здания школы №20 в МСГ "Ифтихор" Баяутского района Сырдарьинской области	2 103 362 031 сум без НДС	140 календарных дней
MOEI-RIDP SYR-W-30	Реконструкция ДОО №12 (140 мест) в МСГ "Бобююрт" Баяутского района Сырдарьинской области	3 121 641 966 сум без НДС	150 календарных дней
MOEI-RIDP SYR-W-31	Реконструкция ДОО №18 (140 мест) в МСГ имени Муками Баяутского района Сырдарьинской области	3 038 481 107 сум без НДС	140 календарных дней

ГУП "Служба единого заказчика" при Сырдарьинском областном хокимияте приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка" и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Сумма для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов договорная.

<p>Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области Адрес: Сырдарьинская обл., г. Гулистан, ул. Ахтамова, дом, 30 (здание ИК "СЭЗ", 1-этаж). Тел.: 67-227-64-48. Факс: 67-227-64-42. E-mail: tender-12@mail.ru</p>	<p>Получатель: Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области Банковские реквизиты: р/с: 2021 0000 3038 3676 6001 Сырдарьинский ф-л НБУ ВЭД ИНН: 202 585 476 МФО: 00363</p>
--	--

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением согласно инструкциям, изложенным в тендерной документации.

Номер контракта	Наименование объекта	Залоговое обеспечение
MOEI-RIDP SYR-W-28	Строительство школьной столовой (80 мест) для школы №21 в МСГ имени Амира Темура Баяутского района Сырдарьинской области	19 040 127 сум
MOEI-RIDP SYR-W-29	Капитальный ремонт здания школы №20 в МСГ "Ифтихор" Баяутского района Сырдарьинской области	42 067 240 сум
MOEI-RIDP SYR-W-30	Реконструкция ДОО №12 (140 мест) в МСГ "Бобююрт" Баяутского района Сырдарьинской области	62 432 840 сум
MOEI-RIDP SYR-W-31	Реконструкция ДОО №18 (140 мест) в МСГ имени Муками Баяутского района Сырдарьинской области	60 769 622 сум

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16.00 часов (по ташкентскому времени) 10 мая 2023 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены. **Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

Адрес для подачи предложений:
Консалтинговый центр по организации Тендерных торгов в строительстве по Сырдарьинской области.
Адрес: Сырдарьинская обл., г. Гулистан, ул. Ахтамова, дом, 30 (здание ИК "СЭЗ", 1-этаж).
Тел.: 67-227-64-48.
Факс: 67-227-64-42.
E-mail: sirdaryotender20@gmail.com
Ответственный представитель консалтингового центра: Алишер Сангиров.

"Семург" ИФ акциядорлари диққатига!

"Семург" инвестиция фонди акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2023 йил 20 май куни соат 10.00 дан бошлаб Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳқўчаси, 2-уйда бўлиб ўтади.
Акциядорларни рўйхатга олиш вақти соат 9.00 дан 10.00 гача.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:

1. 2022 йил молиявий фаолияти якуни бўйича "Семург" ИФ ишончли бошқарувчисининг ҳисоботи.
2. 2022 йил якуни бўйича кузатув кенгаши ҳисоботи.

3. 2022 йил якуни бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботи.
4. 2022 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисобоварганини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2022 йилги молиявий фаолияти якунига қўра олинган соф фойдани тасдиқлаш.
6. 2022 йил якуни бўйича аудитор хулосаси, 2023 йил учун жамият аудитори ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2023 йилги бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. "Семург" ИФ кузатув кенгашини сайлаш.
9. "Семург" ИФ тафтиш комиссиясини сайлаш.
10. "Семург" ИФ АЖни ихтиёрий равишда тугатиш.

10.1. Тугатиш комиссиясини сайлаш.
10.2. Тугатиш комиссияси ваколатларини белгилаш.
Умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш учун акциядорлар реестри 2023 йил 29 апрель ҳолатига тузилади.
Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2023 йил 16 май ҳолатига тузилади.
Йиғилишга акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат, акциядорларнинг вакиллари эса қўшимча белгиланган тартибда ишончнома билан келишлари шарт.

Кузатув кенгаши.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Апрель ойининг шу ҳафталаарида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Архитектура ва шаҳарсозлик ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Жаҳонгир Анваров**, кичик мутахассис **Эльмира Баймуратова**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК бўлим бошлиғи **Тўлқин Найруллаев**, бош мутахассис **Адолат Пардаева**,

"Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ бош лойиҳа қидирув институти директорининг биринчи ўринбосари – бош муҳандис **Сапабек Сапаев**,


"Ташигирогор" АЖ 1-сонли архитектура-қурилиш сектори 2-тоифали архитектори **Марта Сергеева**, 2-сонли архитектура-қурилиш сектори архитекторлар гуруҳи бошлиғи **Фарида Шарафудинова**, 3-сонли архитектура-қурилиш сектори 2-тоифали муҳандис **Ҳусниддин Ўринбаев**, 4-сонли архитектура-қурилиш сектори гуруҳ раҳбари **Ирина Ким**, 3-семинар (ижодий семинар) бўлим бошлиғи **Фазыл Кабулов**, 3-сонли дизайн сектори гуруҳ раҳбари **Геннадий Ким**, Ландшафтни вертикал режалаштириш сектори муҳандиси **Наргиза Сафарова**, Автоматлаштириш ва лойиҳаларни ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи **Ўқтан Ташкенбаев**, 2-сонли тахминий сектор муҳандиси **Азиз Шакулов**, техник **Ильмира Абдурахимова**,

Бухоро вилояти, Пешку тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Шамшод Шарипов**, Жондор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Шаҳзод Воҳидов**, Ғиждувон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Махмуд Мирзоев**, Шофиркон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Алишер Рафиқов**, бош бошқарма хузуридаги ишлаб чиқариш бўлими 1-тоифали мутахассиси **Дилшод Жўраев**,

Жиззах вилояти, Пахтакор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Суюнбой Раҳманов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси маъмурий ишлар бўйича администратори **Юнус Қудратов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бош режаларни амалга ошириш ва объектларни жойлаштириш бўйича архитектори **Абдирахим Мнажов**, Шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этиш устидан назорат олиб бориш бўйича архитектор **Еркинбай Абдибаев**, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси ИКТ етакчи мутахассиси **Раметулла Борибоев**,

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!



Яқунланган “ташаббусли бюджет”: ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР НИМАДА?

Адхам ЭГАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

2023 йилнинг 10 апрель куни Президентимизнинг “Ташаббусли бюджетлаштириш амалиёти янада такомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-117-сонли қарори имзоланди. Қарор ташаббусли бюджет лойиҳасининг жорий йилдаги биринчи масъуми яқунланиши фонида қабул қилинди.

Қарорда 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб бўлмаган 1309 та лойиҳа учун ҳам қўшимча равишда 1,3 трлн сўм маблағ ажратилиши, 2023 йил 1-мавсумда ғолиб, деб топишган 2 975 та лойиҳанинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши қатъий назоратга олиниши белгиланди.

Бунда, жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш сўнгги муддати этиб жорий йилнинг июль ойи, қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳаларни амалга оширишнинг сўнгги муддати этиб август ойи кўрсатилди. Эндиликда ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари доирасида бюджет ташкилотларининг раҳбар ходимлари томонидан мажбурий овоз йиғиш бўйича ходимларга топширик бериши таъкиқланади. Мажбурий овоз йиғишга мажбурлаш тегишли ташкилот ходимларини мажбурий меҳнатга жалб қилиш сифатида таснифланади. Бундан ташқари, ташаббусли бюджет жараёнида овоз тўплаш ва ғолибларни аниқлаш механизмини танқидий кўриб чиқиш, жумладан, кенг жамоатчилик билан муҳокама қилган ҳолда тақлифлар ишлаб чиқишни назарда тутувчи чора-тадбирлар режаси ҳам таъкиқланди.

Аслида ҳам, юрдошларимиз орасида қизғин муҳокамаларга сабаб бўлган, ҳар йилдан ўзгача шиддати тус олган ушбу лойиҳа қайси жиҳатлари билан ёдимизда қолди? Лойиҳани янада такомиллаштириш бўйича қандай тақлифлар юзага келди?

ЖАМИЯТ ТАШАББУСНИ УЙГОТГАН “ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ”

- Ака, овоз берамиз, эвазига битта ичимлик!
- Нимага?
- Йўн қурилиш учун!

Бу каби қаҳриқ ва тақлифлар одам гавжум бўлган ҳар ерда: метро бекатлари, бозорлар ва йўлларда тарғиб қилинди. Ким томонидан дейсизми? Одамларнинг ўзи кўнгилли тарзда иштирок этишди. Ҳазор кураш олиб боришди. Хуллас, чор-атроф “Орен”чилар билан тўлиб-тошганига ҳаммамиз гувоҳ бўлдик. Ҳар қадамида гуруҳ-гуруҳ кишилар овоз йиғиш учун ўтган-кетганни саволга туттиларди. Қизиқ, аслида “Oren byudjet” лойиҳаси фақат уздабуронлар учунгина ташкил қилинганми? Шуниси ҳаммани ўйланттириб қўйгани рост...

“Ташаббусли бюджет” лойиҳаси мазмунида юртимиз ҳудудларидаги инфратузилмани яхшилаш, хиббонлар, болалар ва спорт майдончалари, ички йўллар қуриш, мактабларни таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда бошқа масалалар бўйича лойиҳалар тақлиф этилиб, маҳаллий бюджетнинг жами 1,7 триллион сўмлик қисmini тақсимлашда иштирок этиши белгиланган эди.

Жараённинг сўнгги босқичи шиддатли тусга кириб, кўча томошаларига айланган кетди. Умуман, буни ҳар кун кўча-кўйда юрадиган кишилар яхшироқ тушунади. Бир қарашда ўз манфаатини англаётган, ҳаракатланаётган жонли жамият юзага чиқётгандек таассурот уйғотди. Албатта, “Oren byudjet” халқнинг умум эҳтиёжларини, истақларини таъминлаш учун йўналтирилган маблағлар ҳисобланади. Соддароқ айтганда, у орқали халқнинг синиқ косаси бут бўлади; ўйдим-чўқур йўли асфальт қилиниб, хароба мактаблари таъмирланади. Давлат эса лойиҳаларни жамоатчилик фикри ва овозлари сонига қараб саралайди. Бу эса жамиятнинг катта қисmini уйғоқлик ва шижоатга ундади, десақ бўлади. Кўпроқ овоз йиғиш истагида бўлган баъзи бировлар ҳатто ўз маблағини ҳам аямайди.

Аммо шу ўринда хаёли бир савол туғилади. Лойиҳа адолатини қай даражада таъминлай олди? Чунки аҳолиси кам сонли маҳалла вакиллари ҳатто лойиҳада иштирок этмади. Сабаби нимада?

ЛОЙИҲА ҚАЕРДА ОҚСАДИ?

“Ташаббусли бюджет” лойиҳаси қақда гап кетганда фуқароларнинг бирашгани, уздабуронлиги қақда алоҳида тўхталиш мумкин. Улар маҳалласи учун ўз ёнидан маблағ сарфлаб, сим карталар сотиб олишди. Кимлардир телефон рақамларининг ҳисобини тўлдириш, салқин ичимликлар тақлиф қилиш эвазига овоз йиғди. Аммо айрим ҳудудлардаги ўқитувчилар учун ҳам аниқ белгиланган режалар асосида овоз йиғиш мажбурий этиб белгилангани қўлогимизга қалинди. Бу нимани аналтади? Албатта, шу ҳолатда ҳам буйруқбозлик механизми қонимизга сингиб кетгани яққол намойён бўлди.

– Муаммо овоз йиғиш жараёнида мактаб ўқитувчилари, ўқувчилари ва бошқа бюджет ташкилотлари ишчи-ҳодимлари мажбурий-ихтиёрий равишда катнашганида деб айтиш мумкин, – деди Гарвард университети докторанти, иқтисодчи Ботир Қобилов. – Кўчада ўқитувчилар овоз олиш учун “ялиниб” юришлари қанчалик тўғри, деган ўринли савол туғилади. Агар шундай бўлса, муаммо бир ерда “Oren byudjet”да эмас, балки “Oren byudjet” бошқа муаммога ишора қилапти. У ҳам бўлса, ўша эски муаммо – мажбурий меҳнат ва буйруқбозлик аломатлари. “Oren byudjet” парламентнинг барометри бўлгани каби, бошқа мажбур бўлган муаммоларни ҳам юзага чиқариб берапти холос. Ижтимоий тармоқларда тарқалган видеоларҳалар ва турли қаҳриқлардан овоз бериш жараёнига гувоҳ бўлдик. Уларда овоз бериш тавлим жараёнига ҳам ҳалақит берган ҳолатлар кузатилади. Бу эса жиҳдий эътирозларга замин ҳазирлади.

Фараз қилинг, сиз кўчада қайсидир ҳудуд лойиҳаси учун овоз бериб, эвазига ичимлик олдингиз. Ахир, сиз у жоини умуман билмайсиз! Кўпчилик овоз берувчилар сонини ошириш учун минг турли усуллар қўлланди. Энди умуман аҳоли оғир, ажборот тезлигидан орқанда қолган, ривожланмиш, обод бўлиш ўта зарур бўлган чекка жоиларнинг ҳоли не кеңади, деган савол ҳам турибди. “Oren byudjet”ни одамларни ҳаракатлантириб,

бирлаштира олган лойиҳа сифатида давом эттириш мумкин, фақат жараёни янада такомиллаштириш ҳисобига.

ЛОЙИҲА ҲАҚИДА УМУМИЙ ФИКРЛАР ҚАНДАЙ?

Бир қатор жамоат фаоллари ва зиёлилари бу қақда ўз фикрларини билдиришди. Кўп фикрларда ижобий қараш юқори деийш мумкин. Албатта, амалда лойиҳа доирасида жамоатчилик уйғона бошлади.

Бу халқ сайловларга бефарқ, бизда доим шунана, деган такрор қолиплар акси юзага келганини кўрдик. Бошқа тарафдан, жамият эндиликда солиқ тўлабгина қолмай, уни тақсимлашда ҳам фаоллашганини кўришимиз мумкин. Демак, бу фуқароларимизнинг масъулиятли солиқ тўлаб, унинг саффи учун ҳам масъулият билан ёндаша бошлаганидан далолат беради. Шунингдек, ҳамма муаммоларни ҳал қилиш давлат учун иқтисодий имконис эканини одамлар тушуна бошлади. Буни 100-200 миллионлаб пулни халқ ўз чўнтагидан сарфлаши мисолида кўрдик ҳам.

Аҳолининг жуда катта қисми бу лойиҳада иштирок этди. Одамлар лойиҳа ижросини, камчиликлари бартараф этилганини амалда кўрди, ишонч ҳосил қилди. Манфаатини ҳис қилган жамият, табиийки барча имкониятларини ишга сола бошлади. Овоз йиғишдаги талатўплар ҳам лойиҳа жиҳдий рақобатга сабаб бўлганини исботлаб турибди.

ТАКЛИФ ВА ХУЛОСА

Нима деб ўйлайсиз, Ўзбекистонда неча фоиз йўл яроқсиз, неча фоиз мактаб таъмирталаб ахволда? Мана, “Oren byudjet” лойиҳаси учун овоз бериш жараёнлари ўз ниҳоясига етди, ғолиблар аниқланди. Аммо ҳамма лойиҳалар ҳам муҳимлигига кўра ғолиб бўлди, дея олмаимиз. Кимдир ичимлик сувидан қийналаётган бир паллада, кимдир футбол майдончаси кўриш лойиҳаси билан ютди. Лойиҳаларнинг зарурат даражаси – ютиш имконияти экспертлар ҳулосасига кўра эмас, овоз сонига кўра аниқ бўлади. Дейлик, овоз йиғишга уста бўлган ҳудудлар кўп бот ютиб кетиши мумкин. Бунинг ортида қолган лойиҳалар шундайлигича қолиб кетади. Бунга қандай ечим беришимиз мумкин?

Авалло, ҳар бир туманда ҳудудларнинг аниқ ўрганилиш ҳулосаси, аянчилигига кўра навбатга кўйиш параметрлари бўлиши керак. Иккинчи масала эса, битта туманда олдин ғолиб бўлган ҳудудлар қолган ҳудудлар ҳам ғолиб бўлгунча иккинчи даражали ҳудуд ҳисобланиб турилиши бунда масъуллар ҳулосаси инобатга олиниши керак.

Учинчи масала, ютиб олган лойиҳа ижросини амалга оширадиган қурилиш ташкилотлари томонидан маблағларнинг тўғри сарфланмиш жараёнини назорат қилишга жамоатчиликни ҳам жалб қилиш лозим. Тўртинчи масала, вазифани кўр-кўрона бажариш эмас, балки жараёнга халқ билан бирга давлат ўз интеллектини қўшиши, намойён қилиб туриши керак. Шунингдек, овоз бериш жараёнида шаффофикини ошириш, логистик тақсимотни тўғрилаш ҳам аҳси самара беради.

Агар лойиҳа тўғри ишлә қилинса, камчиликлар устида ишланса, механизми тўғри шакллантирилса, келгуси мавсумларда бундан-да каттароқ самара беришига ишонимиз. Бу Борада, Президент қарори энг муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилиши лозим.

Янги лойиҳалар амалга ошса, 1063 нафар киши ишли бўлади

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ҳудудларда замонавий ишлаб чиқариш қорхоналарини ишга тушириш ҳисобига янги иш ўринларини яратиш ва шу орқали ишсизлик муаммосини ҳал этиш юзасидан бир қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 6 июндаги “Ҳудудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори аниқсиз, катта аҳамият касб этмоқда.



Бу долзарб масалага Навоий вилоятида ҳам жиҳдий эътибор қаратилганлиги натижасида қўллаб-қувватлаш эришилди. Жумладан, 2022 йилда кичик ва ёшлар саноат зоналарини ташки муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш мақсадида 80,7 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, ҳозирда қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилди.

Айни пайтда вилоятнинг шаҳар ва туманларида 18 та кичик саноат зонаси ҳамда 11 та ёшлар саноат ҳамда тадбиркорлик зоналари фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ишлаб чиқариш учун барча қулайликлар мавжуд. Зарур йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси мавжуд бўлиб, тадбиркорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қурилган бино ҳамда


вожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, яна 5 та янги кичик саноат зонасини ташкил қилиш мўлжалланмоқда. Шу кўнларда лотларни масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда очиқ электрон савдога қўйиш бўйича зарур чоралар кўриляпти.

Саноат ва тадбиркорлик зоналарини ташкил этиш, уларни ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун жорий йилда 44,7 миллиард сўм маблағ ажратилиб, айни кўнларда лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Бундан ташқари, ҳудудлардаги 18 та кичик саноат зонасининг 112,1 гектар ер майдони инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришга мўлжалланган. Ҳозирга қадар 16,62 гектарга 210,5 миллиард сўмлик 40 та лойиҳа жойлаштирилиб, уларнинг 23 таси тўлиқ ишга туширилди ҳамда 425 та иш ўрни яратилди. Йил якунига қадар яна 17 та лойиҳа ишга тушса, яна 350 нафар ёшлар доимий ишли бўлади.

Бир сўз билан айтганда, вилоятда бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил давом этаётди. Жумладан, Ғозгон, Навоий, Зарафшон шаҳарлари ҳамда Хатирчи, Нурота, Навбахор, Кармана, Учқудуқ, Қизилтепа каби туманларда умумий ишлаб чиқариш қуввати 240 миллиард сўмлик лойиҳаларни жойлаштириш ишлари олиб бориламоқда. Шу йил ҳисобидан бу лойиҳалар амалга ошса, яна 1063 нафар киши мўқим иш ўрнига эга бўлади.

СамДАҚУда халқаро конференция

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетига Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда “Ўздаверлоиҳа” давлат илмий-лоийҳалаш институти ҳамкорлигида 22 апрель – Бутунжаҳон ер қунига бағишлаб “Ер ресурсларидан фойдаланишни рақамлаштириш ва давлат кадастрлари муносабатларини такомиллаштиришда илм-фан ютуқлари ҳамда инновацион технологияларни жорий этишнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.



Мазкур анжуман залида СамДАҚУ ректори Чидем Жанбай Туркйилмаз, Ўзбекистон Экологик партияси Марказий кенгаши раиси, Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Абдушукур Ҳамзаев, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги директор ўринбосари, техника фанлари доктори, доцент Абдушуккур Абдуллаев, шунингдек, Олий Мажлис Сенати Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Баҳодир Тажиев, Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Қаҳрамон Юлдашев, “Ўздаверлоиҳа” ДИЛИ Бош директори, техника фанлари доктори профессор Рухиддин Тўраев, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти директори Шўҳрат Бобомуродов, бўлим бошлиқлари, докторантлар Марказий аппарат студияларидан онлайн иштирок этдилар.

Анжуманда Туркия, Россия, Белоруссия, Қозғистон, Қирғизистон, Тожкистон ва бошқа давлатлардан 30 дан ортиқ соҳа мутахассислари ўз маърузалари билан қатнашди. Жумладан, унда ер ресурсларидан фойдаланишни рақамлаштиришнинг вужудга келиши, замонавий ҳолати ва ривожланиш муаммолари, ер ажратилиш, ер ресурсларидан рационал фойдаланиш, бошқариш ва муҳофаза қилиш: муаммо, ечим ва истиқболлар, ер тузиш, кадастр ва ер мониторингини тизимида рақамли технологияларни қўллашнинг устувор йўналишлари, ерга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш ва қонунчилик базасини такомиллаштириш йўллари, ер муносабатларида бозор активлари ва механизмларини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

тадқиқотлар ўтказишда замонавий технологиялар, ер ажборот базаси ва давлат кадастрлари геопорталини такомиллаштириш, давлат кадастрлари ягона тизими ва фазовий маълумотлар миллий инфраструктурасини яратиш, ер ресурсларидан фойдаланишни рақамлаштириш ва давлат кадастрларини юритишда геодезик-картографик ишлар, ма-софадан зондаш, суный йўлдош тизимлари, геоматика ва учувчисиз учуш технологияларини татиб қилиш, ер тузиш, кадастр ва ер мониторингини таъмин йўналишлари мутахассисликлари бўйича олий малакали ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда мутахассислар малакасини ошириш тизимини инновацион ривожлантириш каби долзарб муаммоларга ҳам ечим изланди.

Анжуман якунида 10 га яқин ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Уларнинг аксарияти Туркия, Россия, Белоруссия, Қозғистон, Қирғизистон, Тожкистон ва бошқа ривожланган давлатлар технологик ишлаб чиқариш соҳалари таҳриқасини мамлакатимиз олий таълим муассасаларида татиб этишга қаратилган.


Маълумот ўрнида, Ўзбекистонда Россия ва Беларуссиянинг 15 та етакчи олий ўқув юртининг филиаллари ташкил этилган. Улардан 12 таси 2018 – 2022 йилларда очилган бўлиб, мазкур филиалларда 6 мингдан ортиқ талаба таҳсил олади ва 267 нафар профессор-ўқитувчи фаолият жорий этиш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, анжуманда яйлов ва личанзорларда геоботаник

Ҳар бир анжуман якунида 10 га яқин ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Уларнинг аксарияти Туркия, Россия, Белоруссия, Қозғистон, Қирғизистон, Тожкистон ва бошқа ривожланган давлатлар технологик ишлаб чиқариш соҳалари таҳриқасини мамлакатимиз олий таълим муассасаларида татиб этишга қаратилган.

Маълумот ўрнида, Ўзбекистонда Россия ва Беларуссиянинг 15 та етакчи олий ўқув юртининг филиаллари ташкил этилган. Улардан 12 таси 2018 – 2022 йилларда очилган бўлиб, мазкур филиалларда 6 мингдан ортиқ талаба таҳсил олади ва 267 нафар профессор-ўқитувчи фаолият жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, анжуманда яйлов ва личанзорларда геоботаник

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабридаги ПҚ-270-сонли Фармонига асосан 2023 йил 24 апрель кўшимча дам олиш куни этиб белгилаиши муносабати билан газетаниннг ушбу сонни 25 апрель куни чиқилиши режалаштирилган сони билан қўшилган ҳолда чоп этиляпти.
Газетаниннинг келгуси сонни 28 апрель куни чиқадди.


IQTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси), Шерзод Хидоятлов, Давронжон Адипов, Жалол Арашов, Қозим Туляганов, Юлдаш Мағрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусахҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наширёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.
«ЎЗБЕКISTON БунёдКОРИ»
НАШИРЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзТАШЛИТИ» ДУЖ,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУЖ,
«Қишлоқ қурилиш инвеств» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУЖ.
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100035, Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй.
Телефонлар: 71-234-47-18 (қабулхона), 71-234-47-19 (тахририят), 71-234-47-20 (бухгалтерия), 71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyoedkor.uz
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23, 90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.
Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ажборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-437.
1749 нусxada босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоиси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлезмалар тахрир қилинмади ва муаллифга қайтарилмади.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишида «Шарқ» наширёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
КОРХОНА МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри, «Буёқ Турон» кўчаси, 41.
Набатчи муҳаррир – Р. Хўжаева.
Набатчи – А. Ҳақбердиев.
Ўза якуни –
Тошпирилди – 22.40. 1 2 3 4 5 6